



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
**к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № С/Х-9**

между КР Иуллардан мунтазам фойдаланиш УК Кунгирот филиали и Коракалпогистон Республикаси  
худудий автомобиль йуллари Баш бошкармаси на общую сумму 254880000,00

Глава

118

Казначейский лицевой счёт

304510860354017045161118001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь	123 934 000,00			123 934 000,00
Февраль	65 472 000,00			65 472 000,00
Март	65 474 000,00			65 474 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>254 880 000,00</b>			<b>254 880 000,00</b>

Всего 254880000,00 сум

Двести пятьдесят четыре миллиона восемьсот восемьдесят тысяч  
сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20 \_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\* ) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



Главный бухгалтер заказчика

Ерназаров Юсуп Курбанбаевич

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

« \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

« \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ г.

Палакеев Зарипбай Жумабаевич

(подпись)

Ф.И.О.



**С/Х-9 сонли  
САҚЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ШАРТНОМАСИ**

Нукус ш.

«5» январь 2022 йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси (АЙББ) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлик в.в.б. **Ю.Ерназаров** ва иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Кунгирот йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (ЙМФУК) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Ш.Аллабаев** иккинчи томондан

1. А-380 "Фузор -Бухоро- Нукус - Бейнеу" а/й.нинг 861-956 км ва 964-1204 узунлиги 335 км  
автомобиль йўллини (**кейинчалик – объектлар**) саклаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномасини туздилар.

**I. ТАЪРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада қуидаги таърифлар кўлланилади:

**Саклаш** – автомобиль йўллари ва йул иншоотлари элементларини соз холатда саклаш, шунингдек автомобиль йулининг бутун узунлигига йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йул иншоотларининг техник курилмалари иш режимлари буйича комплекс ишлар, йул, йул иншоотлари ва ажратилган минтакага караш, дойимий равишда пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уоарни бартараф этиш, харакат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъмиглаш. Шунингдек автомобиль йўларини кишида саклаш ва кукаламзорлаштириш буйича комплекс ишлар;

**II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган **саклаш ишлари лойиха-смета ҳужжатлари**га асосан жорий нархларда ККС билан **254 880 000 (икки юз эллик тўрт миллион саккиз юз саксон минг)** сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) **саклаш ишлари қийматини кўпайтиришга** енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. БАЖАРУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун:

объектлар буйича дефект актларини тузиш, лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини саклашни тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йулининг узунлигига бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари буйича мунтазам равишда амалга оширади.

объектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вақтида хамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур ҳолларда курилиш майдони худудида вақтнинчалик иншоотлар куради;

**саклаш** майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида харакат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

**саклаш** майдони қўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолатини таъминланиш учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

**IV. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равиша қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

**V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

8. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

9. саклаш ишларининг давом этиш вақти 2022 йил 5 январдан бошланиб, 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

Шартнома муддати: Шартнома Фазначилик бошқармасида руйхатдан ўтказилгандан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

## **VI. ТҮЛӨВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади

11. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича хар чорақда режалаштирилган иш қийматининг 40 фоизи микдорида аванс маблағ ўтказади.

Буюртмачи ва Бажарувчи хар ойнинг 25 кунида бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари этирилади ва жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб колиб, объектнинг ойлик шартномавий қийматининг 60 фоизи микдорида, амалий бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилгандан ва қабул қилингандан кейин Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

12. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлиб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгаришилар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

14. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

16. Бажарувчи техник кузатувчини ишлаш учун меҳмонхона ва харакатланиш учун транспорт билан таъминлади. Техник кузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

17. Бажарувчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун биринкирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) шу ойнинг 25 кунига қадар Буюртмачига топширади.

18. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Бажарувчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

22. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Бажарувчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганигини исботгласа жавобгар ҳисобланмайди.

## **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

25. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиdir.

## **IX. КАФОЛАТЛАР**

26. Бажарувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

ложиҳа-смета хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолаттайты.

Мавжуд нұксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасыда кайд этилади.

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нұксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада күрсатылған муддат ичидә бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган бажарилган ишлар суммасини Бажарувчидан ушлаб колиш ҳуқуқига эга.

27. Бажарувчи нұксонлар ва чала ишлар кўрсатылған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктиносид юриши мурожаат қилишини истисно этмайди.

## X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

28. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Бажарувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Бажарувчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Бажарувчи:

ишларнинг бажарилиши Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилған ишлар кийматини Бажарувчига тўлайди.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган такдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилған зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбордor томон:

иккинчи томонга етказилған зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади. Бажарувчи далолатнома асосида қабул қилиб олган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларига «Автомобиль йўллари туғрисида»ги конунига асосан мулкий жавобгардир.

Бажарувчи ушбу шартномага асосан Саклаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йўлида харакат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилған дарахтларни ва ер участкасини муҳофазасини таъминлашга жавобгардир ва Ўзбекистон Республикаси Конунларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Саклаш ишларини олиб бораётган Бажарувчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилған курилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.

Бажарувчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган такдирда, Бажарувчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нұксонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этиши;

Агар Бажарувчи ташкилот нұксонларни келишилған муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ўз кучи билан Бажарувчи ҳисобидан нұксонларни бартараф этиш ҳамда нұксонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилған иш кийматини ундириш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатылған ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатылмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилған зарарни коплашдан озод килмайди.

36. Бажарувчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилған бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатылмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчи ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китобларлардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш хукукига эга.

38. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда итисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Бажарувчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

43. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### БУЮРТМАЧИ

Қоракалпогистон Республикаси автомобиль йўллари  
худудий бош бошкармаси  
Қоракалпогистон Республикаси, Хўжайли гузори 16/1 уй  
ИНН 200349889 ОКЭД 84130  
л/с 304510860354017045161118001  
УзР Молия вазирлиги газначилиги  
х/р 23402000300100001010  
МБ ББ ХККМ Тошкент шахри  
МФО 00014 ИНН 201122919

Бошлиқ в.в.б:



Ю.Ерназаров

Бош юристконсульт:

Х.Якупов

#### БАЖАРУВЧИ

Қўнғирот йўллардан мунтазам фойдаланиш  
унитар корхонаси  
Қўнғирот тумани, Нурмуҳамедов кучаси р/уй  
Ўз.Р. ТИИ Миллий банк ҚҚ бўлими  
м/р 22626000100313914002, МФО 00582  
ИНН 200 365 094 ОКЭД 42110



Директор в.в.б: